

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 194 (11.003) Баҳоси эркин нарҳда

МДҲ: ДУШАНБЕ САММИТИ

Душанбе, 5 октябрь. (ЎЗА махсус муҳбири Анвар Бобоев хабар қилади).
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПОЙТАХТИДА ЎТГАН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОК ЭТДИ.

МДҲга аъзо мамлакатлар бир-бирини яхши билади, сиёсий ва гуманитар ҳамкорлик борасида катта тажриба тўлаган. Айниқса, иқтисодиёт соҳасида ўзаро ишончли ҳамкорлар ҳисобланади.

Ҳамдўстликнинг саммитларида биринчи навбатда МДҲни ислоҳ қилиш масаласи муҳокама қилинди. Бу масала кун тартибидан тушмай келаётганига сабаб мазкур тузилмани ҳозирги доирадан кенгрок даражага кўтариш зарурати. У аънавий сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни сақлаб қолиш мақсадида тузилган эди. Энди эса халқаро муносабатларнинг янги асосдаги тамойилларига мослашиши керак.

Эндиликда унга аъзо мамлакатларнинг ҳамкорлиги уларнинг аънавий дўстлигига асосланган ҳолда, ишончли ва ўзаро манфаатли иқтисодий шерикликка ҳам таянмоғи даркор.

Шу билан бирга, МДҲни ислоҳ қилиш масаласи кун тартибидан тушмай келаётгани ва ислохот зарурати борасида барча аъзо давлатлар ҳамфикр эканлиги Ҳамдўстликнинг роли суъайиб бораётганидан эмас, аксинча, муайян тараққиёт босқичига эришгандан далолатдир.

Шуларнинг барчасини инобатга олиб, 2006 йил ноябрь ойида ўтган Минск саммитида МДҲ Ижроия қўмитасига Ҳамдўстликни янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш билан шуғулланган Давлатлараро ишчи гуруҳини ташкил этиш ва унга мазкур концепцияни ишлаб чиқиш вазифаси топширилган эди. Жорий йилнинг июнида бўлган Санкт-Петербург саммитида эса мазкур концепцияни тайёрлаш жараёни кўриб чиқилди.

Душанбе саммити президентларнинг тор доирадаги учрашувидан бошланди. Унда Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш, унинг ижро органлари фаолиятини такомиллаштириш, интеграция жараёнларини жадаллаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, МДҲни ислоҳ қилиш концепцияси ҳамда Уни ҳаётга татбиқ этишга доир асосий чора-тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Ушбу масалалар муҳокамаси давлат раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳам давом эттирилди. Давлатлараро ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган мазкур ҳужжатлар лойиҳасида Ҳамдўстликни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилангани таъкидланди.

Интеграция хавфсизлик ва барқарорликни

ни мустаҳкамлаш масалалари билан узвий боғлиқдир. Товарлар ва хизматларнинг, сармоя ва ишчи кучининг ҳаракатини назорат қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлар билан бир қаторда божхона ва чегара хизматларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарур.

Саммитда терроризм, экстремизм ва жиноятчиликка, жиноий йўл билан ортирилган даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда кўп томонлама ҳамкорлиқни ривожлантириш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Музокаралар якунида қуйидаги ҳужжатлар имзоланди: Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини янада ривожлантириш концепцияси ва Уни амалга оширишнинг асосий тадбирлар режаси, Жиноятчиликка қарши ҳамкорликда курашиш бўйича чора-тадбирларнинг 2008-2010 йилларга мўлжалланган давлатлараро дастури, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича 2008-2010 йилларга мўлжалланган дастури, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг терроризмга ва экстремизмнинг бошқа таъжовузка корона кўринишларига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича 2008-2010 йилларга мўлжалланган дастури, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг маданий бойликларнинг ўғирланишига қарши кураш ва уларнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича ҳамкорлиги тўғрисидаги битим ва бошқа ҳужжатлар.

Саммит якунлари бўйича ўтказилган матбуот анжуманида кўриб чиқилган масалалар юзасидан журналистларга ахборот берилди.

Душанбе саммити Ҳамдўстликнинг аҳамияти ортиб бораётгани ва у қамраган минтақада интеграция жараёнлари мустаҳкамланаётганини яна бир бор намойён қилди.

Душанбе шаҳрида 6 октябрь куни Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Давлатлараро кенгашининг мажлиси ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси бўлиши мўлжалланган.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



«TASHKENT OPEN — 2007» — НАВБАТДАГИ АЁЛЛАР ЎРТАСИДАГИ ОЧИҚ ТЕННИС ЧЕМПИОНАТИ АЙНАН ШУНДАЙ ХОТИМА ТОПДИ
ДЕСАҚ, МУБОЛАҒА БЎЛМАЙДИ.

ТОШКЕНТДА УЧРАШГҲНЧА!

Унда 16 та мамлакатнинг спортчилари иштирок этди, шу жумладан дунё таснифининг биринчи элликдаги ва биринчи юзликдаги ўндан зиёд кучли теннис усталари — Белоруссия, Россия, Словакия, Руминия ва Ўзбекистон давлатлари вакиллари қатнашди. Бу эса, шубҳасиз, мазкур жаҳон мусобақасининг нуфузи тобора ортиб бораётганининг ёрқин далилидир.

WTA — Бутунжаҳон аёллар теннис уюшмаси ҳомийлигидаги ушбу турнир бу йили тўққизинчи марта ташкил этилди, бироқ аслида унга асос 1996 йилда солинганди, яъни дастлабки уч йил давомида Халқаро теннис федерацияси мақоми остида ўтказиб келинган.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

- **БҲГҲН** Ҳамза туманидаги 161-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Қамолот» —ҳамиш биз билан» мавзусида ўтказилган кўрик-танлов Ҳамза туман халқ таълими бўлими, «Қамолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамда «Тенгдош» маданияти уйи ҳамкорликларида уюштирилди.
 - **ЎЗБЕКИСТОН** маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан мамлакатимизда таълим самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўиши мақсадида 1 октябрдан Республика Халқ таълими вазирлигига қарашли ўқув муассасалари ўқитувчилари ўртасида «Педагогик грантлар» кўрик-танлови уюштирилди.
 - **ЭРТАГА** шаҳримизда «Автоматошоу Ўзбекистон—2007» кўргазмаси очилади. Ушбу тадбир 12 декабрдан давом этади.
 - **ЙЎЛОВЧИЛАРГА** қулайлик яратиш мақсадида шаҳримиздаги 1-автокорхонага «Исузу» автобуслари туҳфа этилди.
 - **ТАСВИРИЙ** санъат галереясида уюштирилган кўргазма «Афсоналар ва кўкелик» деб номланди.
- (Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).

2007 йил, 8 ОКТЯБРЬ, ДУШАНБА

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Президентимизнинг шу йил 28 августда қабул қилинган «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йигин пунктида чақирилувчиларнинг навбатдаги гуруҳи ҳарбий хизматга кузатилди.
- Тошкентдаги «Туркистон» саройида «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» танловининг 2007-2008 ўқув йили ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Мазкур танлов «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари томонидан эълон қилинган бўлиб, унинг якунига кўра 100 нафар энг иқтидорли талаба стипендияга муносиб деб топилди.
- Марғилон шаҳрида Туркия ишбилармонлари сармояси асосида «Оршахтекс» тикувчилик корхонаси иш бошлади. Ушбу корхонада ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ компьютерлаштирилган бўлиб, унинг ишга туширилиши билан 300 га яқин йигит-қиз иш билан таъминланди. Бу ерда эркаклар ҳамда аёллар кийимлари, ошхона, ётоқхона жиҳозларининг 100 га яқин тури ишлаб чиқарилаётган.
- Термиз шаҳрида аънавий бўш иш ўринлари ярмаркаси ўрнига шаҳар ҳокимлиги ижтимоий муҳофаза органлари, бандлик жамғармаси, тадбиркорлар ҳамда «Қамолот» ЁИҲнинг ҳамкорликдаги сайёҳаракатлари билан «Қасаначилик — 2007» кўргазмалари семинари ўтказилди.
- Бекобод шаҳрида Республика Рус маданият марказининг янги бўлими ташкил этилди. Шу муносабат билан Металлургия саройида таъсис конференцияси бўлиб ўтди.
- О. Ҳўжаев номли Сирдарё вилоят музикали-драматик театри жамоаси янги мавсумни «Томоша давом этади» спектаклининг премьераси билан бошлади.
- Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган 64 та электрон ахборот таълим ресурслари «Ziyo Net» тармоғига уланди.
- Бугун Швецияда Нобель ҳафталиги бошланди. Яъни бир ҳафта давомида турли йўналишлар бўйича бу йилги Нобель мукофотларининг соҳиблари аниқланади.
- НАТО ва Афғонистон ҳарбий қўмондонлиги «Толибон» ҳаракати жангариликка қарши 5 ойлик кенг миқёсли ҳарбий операцияни бошлади. «Помир» дея номланган ушбу тадбир келгуси йилнинг баҳоригача давом этади.
- Вьетнам худудига хуруж қилган «Лекима» тропик тўфони мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказди. Сув тошқинлари ва тўфонларга қарши кураш давлат штаби вакилларининг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, кўрилган зарар 10 миллионлаб долларни ташкил этмоқда. Айтиш керакки, соатига 130 километр тезликда эсган тўфон шамоли Хатин, Қуангбин ва Ничеан музофотларидаги 10 мингдан ортиқ уйнинг томини учуриб кетган, 30 минг гектар майдондаги қишлоқ хўжалиги экинларини пайхон қилган.
- Туркиянинг Истамбул шаҳри чеккасида чиқинди қутисига жойлаштирилган бомбанинг портлатилиши натижасида 5 киши яраланди, яқин атрофдаги бир неча автомобилга жиддий зарар етди.
- Буюк Британияда Қироллик почтаси ҳодимлари оммавий иш ташлаш эълон қилишди. Улар почта компанияси томонидан режалаштирилаётган иш ўринлари қисқартирилишига қарши норозилик билдиришмоқда.
- Россиянинг Ставрополь ўлкасида ўткир ичак инфекцияси хасталигига чалинганлар сони 600 кишига етди. Қасалланганларнинг асосий қисми уч-беш ёшдаги болалар бўлиб, ўткир хасталик 15 та мактабгача таълим муассасасини қамраб олди. Тахминларга кўра касалликнинг авж олишига сабаб ўлкадаги сут заводларидадан бирида чиқарилаётган маҳсулотлардир.
- Саудия Арабистони ҳукумати мамлакатда янги бешта аэропорт қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Қурилишига жами 5 миллиард доллар сарфланидиган аэропортлар 2013 йилнинг декабр ойида фойдаланишга топширилиши керак.
- Англиялик сайёҳ Жеймс Льюис 14 йил давомида фақат ўз кучи билан—велосипедда, қайқда бешта китъани кезиб ўтиб бутун ер кўрраси бўйлаб саёҳатни амалга оширди ва кеча она шаҳрига қайтиб келди.
- Франция пойтахти Париждаги Арсе музейида машҳур мусаввир Клод Мане ижодига мансуб ноёб картина номзўлум кишилар томонидан қирқилиб жиддий зарар етказилган. Ҳозирча бу ишни амалга оширган жиноятчи қўлга олинган йўқ.
- Нью-Йоркдаги кимошди савдосида 1884 йилда зарб этилган 10 долларлик олтин танга беш миллион долларга сотилди. Маълум бўлишича, дунёда ҳозирда бундай тангаларнинг фақат 4 донаси сақланиб қолган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING 5 ОКТЯБРЬ КУНИ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Мажлисни Марказий сайлов комиссиясининг раиси М.Абдусаломов бошқарди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

- «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси
- ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
1. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:
- 1 - Қорақалпоғистон сайлов округи**
- Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг биноси, Нукус шаҳри, Унгал Татибоев кўчаси, 11-уй. Сайловчилар сони — 960,0 минг киши.
- Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.
- 2 - Тошкент шаҳар сайлов округи**
- Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — Тошкент шаҳар бинолардан фойдаланиш департаменти биноси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 14-уй. Сайловчилар сони — 1531,4 минг киши.
- Тошкент шаҳри чегараси доирасида.
- 3 - Андижон сайлов округи**
- Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй. Сайловчилар сони — 1485,1 минг киши.
- Андижон вилояти чегараси доирасида.
- 4 - Бухоро сайлов округи**
- Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят маънавият тарғибот бўлими биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳқўчаси, 6-уй. Сайловчилар сони — 972,3 минг киши.
- Бухоро вилояти чегараси доирасида.
- 5 - Жиззах сайлов округи**
- Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят маънавият тарғибот бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳқўчаси, 70-уй. Сайловчилар сони — 609,8 минг киши.
- Жиззах вилояти чегараси доирасида.
- 6 - Навоий сайлов округи**
- Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — «Фарҳод» маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси, 67-уй. Сайловчилар сони — 514,7 минг киши.
- Навоий вилояти чегараси доирасида.
- 7 - Наманган сайлов округи**
- Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — «Ўзбекивест» экспорт-импорт Миллий суғурта компанияси вилоят бўлими биноси, Наманган шаҳри, Бобораҳим Машраб кўчаси, 3-уй. Сайловчилар сони — 1283,1 минг киши.
- Наманган вилояти чегараси доирасида.
- 8 - Самарқанд сайлов округи**
- Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 2-уй. Сайловчилар сони — 1724,3 минг киши.
- Самарқанд вилояти чегараси доирасида.
- 9 - Сирдарё сайлов округи**
- Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 60-уй. Сайловчилар сони — 409,5 минг киши.
- Сирдарё вилояти чегараси доирасида.
- 10 - Сурхондарё сайлов округи**
- Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — «Сурхонэлектротармоқлари» корхонаси биноси, Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 10-уй. Сайловчилар сони — 1107,5 минг киши.
- Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.
- 11 - Тошкент вилояти сайлов округи**
- Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят молия бошқармаси биноси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 15-уй. Сайловчилар сони — 1597,2 минг киши.
- Тошкент вилояти чегараси доирасида.
- 12 - Фарғона сайлов округи**
- Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилоят бўлими биноси, Фарғона шаҳри, Турсун Қамбаров кўчаси, 27-уй. Сайловчилар сони — 1803,6 минг киши.
- Фарғона вилояти чегараси доирасида.
- 13 - Хоразм сайлов округи**
- Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — вилоят маданият бошқармаси биноси, Ал-Хоразмий кўчаси, 27-уй. Сайловчилар сони — 894,7 минг киши.
- Хоразм вилояти чегараси доирасида.
- 14 - Қашқадарё сайлов округи**
- Округ сайлов комиссиясининг жойлашган манзили — «Ўзгеобурғунейтгаз» акциядорлик компанияси биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй. Сайловчилар сони — 1404,2 минг киши.
- Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.
- II. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.
- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М. АБДУСАЛОМОВ**
- Тошкент шаҳри, 2007 йил 5 октябрь

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ДУНЁ НИГОҲИДА

ФРАНЦИЯНИНГ АТЛАНТИКА ОКЕАНИ ҚИРҒОҒИДА ЖОЙЛАШГАН ДУВИЛЬ ШАҲАРЧАСИДА ҲАР ЙИЛИ АНЪАНАВИЙ РАВИШДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАДИГАН 29-«ТОП РЕЗА» ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИ ЎЗ ИШНИ ЯҚУНЛАДИ. ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИЧА, МАЗКУР КЎРГАЗМА ЖАҲОН САЙЁҲЛИК КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ЙИРИК ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ХИСОБЛАНАДИ. УШБУ НУФУЗЛИ ТАДБИРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ЖАҲОННИНГ БАРЧА ҚИТЪАЛАРИДАГИ ЕТАКЧИ САЙЁҲЛИК КОМПАНИЯЛАРИ, ФИРМА ВА АВИАКОМПАНИЯЛАР ВАКИЛЛАРИ БУ ЕРГА ТЎПЛАНИШАДИ. ЖОРИЙ ЙИЛ ДУВИЛЬ АНЖУМАНИДА ДУНЁНИНГ 1300 ДАН ОРТИҚ САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Мамлакатимиз вакиллари ҳам бир неча йилдан буён «Топ Реза» кўргазмасида қатнашиб келишмоқда. Ўтган йиллардагига қараганда сезиларли даражада кўп компания ва сайёҳлик агентликлари иштирок этган бу галги анжуман иштирокчилари орасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, шунингдек, мамлакатимизнинг қатор сайёҳлик агентликлари бор эди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон экспозицияси мамлакатимизнинг кўҳна маданияти, диққатга сазовор масканлари ва ҳордиқ чиқариш ҳудудлари билан танишиш, сайёҳлик соҳасида шериклик муносабатларини ўрнатиш истагида бўлган кўп сонли меҳмонлар ва сайёҳлик бизнесининг вакиллари эътиборини ўзига жалб этди. Ўзбек усталирининг халқ амалии ва хунармандчилиги санъати намуналари, шунингдек, мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини намойиш этадиган ахборот-реклама махсусотлари, плакатлар, буклетлар, каталоглар анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Юртимиз мусиқа санъати вакиллари ва чиккишлари, доира ва сурнай наволари остида ижро этилган жўшқин миллий рақслар Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тақдимотида алоҳида шўқуқ бағишланди.

Франциянинг «Ikar» сайёҳлик агентлиги бош директори Антуан Поко Ўзбекистон экспозицияси ҳақида ўз таассуротларини ўртоқлашар экан, жумладан, шундай деди:

—Кўргазма чоғида Ўзбекистон компаниялари тақдир этган янги сайёҳлик хизматлари, саёҳатлар ва дам олишинг турли шакллари юртингизда катта салоҳиятли сайёҳлик тузилмаларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратилаётганидан далолат беради.

Франциялик сайёҳлар учун Ўзбекистон бўйлаб ташкил этилган турли маданий-танаштирув сафарлари чоғида биз мамлакатингизда ноёб меъморий ёдгорликларни қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилаётганига, чет эл сайёҳларини Ўзбекистонга янада кўпроқ жалб этиш мақсадида меҳмонхона тармоқлари, сайёҳлик мажмуалари ва транспорт коммуникация тизимлари бўйида этилаётганига гувоҳ бўлганимиз.

Бизнинг ақсариат мижозларимиз Ўзбекистон бўйлаб сафардан ёркин таассуротлар билан қайтаётгани, кўрсатилган хизматлар учун мамнуният билдираётгани бежиз эмас, албатта.

—Қўллаб сайёҳлар жаҳонга «Шарқ дурдоналари» номи билан танилган Ўзбекистоннинг улғувор шаҳарларидаги тарихий-меъморий ёдгорликларни ўз кўзлари билан кўришни орзу қилишди,—дейди «Ilexso voyages» компаниясининг тижорат ишлари директори Раул Дебест.—Ўз навбатида Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорлик, толерантлик ва миллатлараро товулик ҳукм сураётгани, шунингдек, ўзбек халқига хос бўлган очикқўнғиллик ва самимий меҳмондўстликни ҳар бир меҳмон қалбидан ҳис қилаётгани хорижий сайёҳлар оқимининг янада кўпайишига имкон бераётган муҳим омиллардан бўлаётди.

«Топ Реза» павильони бош директори Винсента Фуеннинг фикр билдиришича, Ўзбекистон экспозицияси кўргазманинг энг ёркин қисмларидан бири бўлди.

—Биз тадбиримизда Франция бозоридаги қизгин фаолиятдан далолат берувчи кўп сонли ўзбек сайёҳлик агентликлари ва компанияларини кўришдан мамнун бўлдик,— деди В.Фуке.

Кўргазма доирасида ихтисослашган семинарлар, тренинглар, компаниялар тақдиротлари бўлиб ўтди. «Рояль Баррьер» меҳмонхонасида ташкил этилган Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти тақдироти мазкур халқаро анжуманининг ёркин воқеаларидан бири бўлди. Унда Франция ишбилармон ва жамоат доиралари вакиллари, ушбу мамлакат ҳамда бошқа хорижий сайёҳлик компаниялари ходимлари иштирок этишди.

Тақдимот маросимида мамлакатимиз вакиллари республикаимизда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришлар, сайёҳлик тузилмаларини ривожлантириш, республикага хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш, шунингдек, Ўзбекистон ва хорижий сайёҳлик компаниялари фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли савий-ҳаракатлар тўғрисида тадбир қатнашчиларига атофлича маълумот беришди.

Тадбирда франциялик сайёҳларнинг кўҳна маданиятимиз ва аъналаримиз билан танишишга бўлган, тобора ўсиб бораётган қизиқишларини қондириш мақсадида «Париж-Урганч» янги ҳаво катнови йўналиши очилганлиги маълум қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонга ҳар йили буюриб буюраётган хорижий сайёҳлар сонини таъшир Европа мамлакатлари орасида Франция етакчи макени эгаллаётди. Унинг бу борадаги кўрсаткичи изчил равишда ўсиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида Франциядан Ўзбекистонга келган сайёҳлар сонини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан учдан бир барборага кўпайди.

Эътиборга сазовор жиҳатини шундаки, «Топ Реза» кўргазмаси етакчи чет эл сайёҳлик компанияларининг Ўзбекистонда ўз бизнесини ривожлантиришга катта қизиқиш билдираётганини яна бир бор қўрсатди. Анжуман якунида ўзаро ҳамкорлик юзасидан имзоланган шартномалар бундан далолат беради.

Мардон ЁКУБОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Париж



Кўзғи чакирик — 2007

МАМЛАКАТИМИЗДА ИСТИҚЛОЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРИДАНОҚ МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ САФЛАРИНИ МАЪНАН БАРКАМОЛ, ЖИСМОНАН ЕТУҚ ЁШЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШ, УЛАРИНИГ БИЛИМ ВА САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАК ДАРАЖАДА ШАҚЛАНТИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛА БОШЛАНДИ.



МАРДЛАР КЎРИҚЛАЙДИ ВАТАНИНИ

Қуни кеча Тошкент шаҳар йигин пунктида бўлиб ўтган йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросимида ҳам айнан шундай эътибор ва унинг самарали натижалари қайд этилди. Тадбирда ҳарбий хизматга қақирилувчи бўлғуси аскар йигитлар, уларнинг ота-оналари иштирок этишди. Тадбирни Тошкент шаҳар мудоффа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Бақтиёр Маҳмудов кириш сўзи билан очар экан жумладан шундай деди:

—Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига қўра, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга ҳамда сафарбарлик қақирув резервидидаги хизматга қақиритиш йилда 2 марта — апрель-май ва октябрь-ноябрь ойларида амалга оширилади. Бугун кўз ўнгимизда саф тортиб турган Ватанимизнинг мард, шижоатли ўғлонлари бу йилги кузги масъулнинг қалдиригочлари ҳисобланади. Ишончимиз қомилки, фарзандларимиз ҳарбий низомида кўрсатилган барча талабларни сидқидилдан бажариб, зиммаларидаги масъулиятни тўлалигича адо этадилар.

Кузатув маросимида шунингдек, ҳарбий хизмат фақрийси, истефодоғи генерал-майор Ортиқжон Абдулаев, Ҳамза тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Орзуой Идрисова, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари сўзга чиқишди, она-Ватанимиз дахлсизлигини таъминлаш учун отланаётган йигитларга оқ йўл тилашди.

Биз фурсатдан фойдаланиб бир гуруҳ бўлғуси аскарлар ва уларнинг ота-оналарини суҳбатга тортидик.

—Ёшлгимданок ҳарбий хизматга қизиқар эдим, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласи Восиқ Маликов кўчаси, 41-уйдан ҳарбий хизматга қақирилган Олимжон Алимов. — Бугун орзуларим ушалиб ҳарбий хизматга кетаяпман. Энг муҳими мен ва менинг тенқурларим учун мамлакатимиз чегараларининг дахлсизлигини ҳимоя қилиш олий бурч ҳисобланади. Биз бу йўлда энг машаққатли синовларга ҳам тайёримиз.

Фарзандимнинг ўз йигитлик бурчини ўташи учун армия сафларига қақирилиши мени беҳад қувонтирди, — дейди бўлғуси аскарнинг онаси Мавлудхон Қомилова. — Ўғлим Маъмуржон ҳар доим аскар бўлишни орзу қиларди. Мана бугун бу бахтга мушарраф бўлиб турибмиз. Албатта, ҳар бир ота-онанинг тилағи битта. У ҳам бўлса юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусофқолиғи. Шундай экан бу йўлда барча-барча фарзандларимизга қўч-қувват, сийҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Эътиборлиси йигитларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш маросими ўзбек эстрада хонандаларининг қўч-қўшиқларига уланиб кетди. Тадбир якунида бўлғуси аскарлар ва уларнинг ота-оналари ўзбекча дастурхонга тақдир этилдилар.

Хидирали ПАНЖИЕВ.
СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар йигин пунктида бўлиб ўтган муддатли ҳарбий хизматга қақиритиш маросимидан лавҳалар.
Қозимжон Ўлмасов олган суратлар



вафқиятдан сўнг мамлакатимиз теннис юлдузи шиддат билан жаҳон теннис погоналарига жўриллаб, дунё таснифида 16-ўринни эгаллаганди. Айнан «Tashkent open» турнирлари ҳамда мамлакатимизда кетма-кет олти марта ўтказилган қитъа чемпионатлари яна бир ўзбекистонлик спортчи — Оқул Омонмуродованинг юқори марраларини забт эта олишига асос бўлди. Ҳозирда Оқул жаҳонда 99-ўринни эгалламоқда.


Юртимизда аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган шу каби нуфузли турнирлар, шубҳасиз, Ўзбекистон катта спорт маркази деган эътирофнинг исботидир. «Tashkent open-2007» турнирининг тантанали ёпилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳор Тўхтаев республикаимизда мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ҳам оммавий, ҳам профессионал спортни ривожлантириш масаласи давлат даражасида устувор дея белгиланганини қайд этди. Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президенти ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида ушбу муҳим ижтимоий тузилманинг моддий-техник неғизи замонавий тарзда шакллантирилди. Зеро, спортнинг кенг ривожланиши жамиятни соғломлаштириш, жисмонан бақувват шахсини шакллантириш демократ. Шу билан бирга, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби дунёга тез машуур қила олмайд.

Ушбу йўналишдаги дастурнинг республикаимизда жадал сураятлар билан татбиқ этиб келинаётганини турнир меҳмонлари ва хорижий ташкилотчилар ҳам эътироф этишмоқда.

—Ўзбекистонда теннис ривожига, ҳукумат ва давлат сиеъсати даражасида эътибор берилаётганига кўп мисоллар келтириш мумкин. Қолаверса, бунга шахсан ўзим «Tashkent open» турнирларини беш йил мобайнида бошқариб келишим даврида амин бўлдим, — дея таъкидлайди турнир директори Шурунғам Утрапати. — Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатингиз раҳбариятига спорт мусобақаларини кўллаб-қувватлаётганлиги, турнирларда жаҳон андозаларига мос шарт-шароитлар яратилгани учун ўз миннатдорчилигини билдирган ҳолда, ҳар бир мусобақанинг нуфузи биринчи навбатда айнан унинг қандай ташкил этилиши даражасига боғлиқ эканини қайд этаман...

Турнир супервайзери, Бутунжаҳон аёллар теннис уюмаси вакили Катрин Холл эса Ўзбекистон теннис федерацияси тисмолида профессионал ташкилотчилар жамоаси фаолият юритаётганини эътироф этиб, «Мен учун бундай жамоа билан ишлаш ҳузув бағишлайди, шу боис Тошкентга ҳар сафар яна келишни истайман ва бунини ўзимга катта шараф деб биламан. Бундан кейин ҳам Tashkent open турнирларини давомий бўлишига ва нуфузи янада ортишига тегишли ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан, дея

ТОШКЕНТДА УЧРАШГУНЧА!



дебюти эса мутахассислар томонидан юқори баҳоланди деса бўлади. Бу қизимиз фақат иккита давра ўйинларида иштирок этди, бирок дастлабки учрашувда сараланган россиялик Алла Қудряцевадан анча устун келгани ўзбекистонлик теннисчи учун ҳозирча энг юқори натижадир.

Миллий жамоамиз етакчиси Оқул Омонмуродова дастлабки иккита даврани осонликча енгиб ўтди. лекин, афсуски, чорак финалда омади келмади: Оқул бор имкониятларини қанчалик ишга солмасин, ярим финал погонаси франциялик Паулин Парментьега насиб этди.

«Tashkent open — 2007» турнири ғолиби Паулин Парментье якуний матбуот конференциясида унинг Оқул билан учрашуви энг мураккаб бўлгани, демакки шоқуслуга чиқишида «Ўзбекистонлик теннисчининг ҳиссаси ўзгачадир» дея таъкидлади.

Белоруссиялик Викториа Азаренка — турнирнинг биринчи сараланган йўнчисини «Tashkent open — 2007»нинг финалчиликка айланди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, кўллаб томошабинлар айнан Викториага ғолибликни баъшорат қилмоқда эдилар...

Жуфтлик ўйинларида белоруссиялик Елена Дзехелевич ва Анастасия Якимовалар ғолибликни, Татьяна Пучек (Белоруссия) ва Анастасия Радюнова (Россия) эса финал погонасида орттирган ютуқларини биргаликда «баҳам» қўрдилад.

таҳт» телерадиоканаллари, Ўзбекистон ахборот агентлиги, шунингдек, хорижий «Рейтер», «Грузия ИА», «РИА-Новости» агентликлари қатнашди. Турнирнинг оммавий ахборот воситалари бўйича мувофиқлаштирувчиси жаноб Гилбертнинг фикрига қараганда, спортни тарғиб этишда газета, телевидение ва радионинг ўрни алоҳида ва бу борада авваламбор мусобақа ташкилотчилари манфаатдор бўлиши, журналистлар сафи кенгайиши учун эса уларга барча шарт-шароитлар мужассам бўлмоғи лозимдир...

Шундай қилиб, «Tashkent open — 2007» — Бутунжаҳон аёллар теннис уюмасининг яна бир турнири якун топди. Аммо WTA жаҳвалида бу йилги мавсумда яна бир нечта мусобақалар кўзда тутилган. Бугун «Кремль Кубоғи»га старт берилди. Маълум бўлишича, унда «Tashkent open-2007» да иштирок этган кўллаб спортчилар ҳам қатнашмоқда. Хусусан, ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова ҳам бу мусобақада ўз кучини синаб қўришга ҳаракат қилади. Оқул Омонмуродовани эса хорижда иккита турнир кутмоқда. Спортчиларимизга омад ва мувафқиятлар тилаб қоламиз.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА
СУРАТЛАРДА: турнирнинг финал беллашувларидан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар

САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲИ ЙИГИЛИШИ

“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНГА МУВОФИҚ ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД КЎРСАТИШ ҲУҚУҚИГ НАФАҚАТ МАМЛАКАТДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР, БАЛКИ БЕВОСИТА ФУҚАРОЛАР ҲАМ ЭҒАДИР. УЛАР ЎЗЛАРИНИНГ УШБУ ҲУҚУҚИ САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИНИ ТУЗШ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИШИ МУМКИН.

Тошкентда 5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзод кўрсатиш бўйича сайловчилар тааббускор гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда аҳолининг турли қатламлари вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, 2007 йилнинг 23 декабрида бўлибтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик курилиш, мамлакатнинг янгилаш ва модернизация қилиш жараёнининг ажралмас ва муҳим тарқибий қимдир. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сўсий ва иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлашуви бевита унинг натижалари билан боғлиқ. Шу сабабли Президентликка номзод кўрсатишда ижтимоий гуруҳлар ва уман аҳолининг манфаатларини фидоолувчи сиёсий партиялар билан бир қаторда, алоҳида номзодларнинг ижтимоий, сиёсий ўзгаришларга доир дастурларини қўллаб-қувватлашчи фуқаролар ҳам бевосита иштирок этади.

Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи йиғилишида бекстон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатиш ҳақида қарор бул қилинди.

3А)

Тақдимот

МАЪНАВИЯТИМИЗНИ БОЙИТВЧИ АСАР

ДУНЁДА ШУНДАЙ ТАШҚИ КЎРИНИШИ БЕЖИРҚА ВА НАФИС КИТОБЛАР БОРКИ, КЎРИБ КЎЗИНГ ҚУВНАЙДИ. АММО САҲИФАЛАРИНИ БИРМА-БИР ВАРАҚЛАГАННИНГ САРИ ҲАФСАЛАН ПИР БЎЛИБ, КЕТГАН МАБЛАҒГА ВА САРФ ҚИЛИНГАН МЕҲНАТ АЧИНАСАН. БИРОҚ ЯНА ШУНДАЙ КИТОБЛАР МАВЖУДКИ, УНИ ЎҚИГАННИНГ САРИ ТАФАККУРИ БОЙИБ ОНГИНГ РАВШАНЛАШИБ, АҚЛ ВА ИДРОНГ ТЕРАНЛАШИБ, АСОСИЙ ЭСА ҚАЛБИНГ МАЪНА ОЗИҚЛАНИБ БОРАВЕРАДИ.

Амир Темуру Халқаро жағмармаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Давлат муқофоти совриндори Мухаммаднинг «Улуг саттанат» деб номланган романини ҳам айнаундай сара асарлар сирасига қиритиш мумкин. Яқиндешер Навоий номидидаги Ўзбекистон Миллий кутубхосининг Ёшлар ахборот марказида мазкур китобнинг тақимот маросими бўлиб ўтди.

Кечани мазкур кутубхона директори Абдусалом Увров кириш сўзи билан очар экан, асгар муаллифини шдай юқори савияда ёзилган тарихий асар билан табириш баробарида, китобнинг бугунги кундаги долзарб аҳамати, ёшлар тасавсури ва тушуночасига таъсири беқиёс эканини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, тақдимот маросимида Ўзбекистон Халқлоири Абдулла Орипов, филология фанлари доктори уми Каримов, филология фанлари доктори, профессор Бир Мирвалиев, педагогика фанлари доктори Қозоқбой Ўдощев, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбариниқождид Мирзо ва бошқалар Мухаммад Алининг қин ижоди, у яратаятган тарихий асарларнинг аҳамиятидиб ижодидаги сермахсуллик ва реаллик, насрда ёзилганлар ҳақида ўзларининг илиқ фикрларини баён қилиблан бирга ёзувчининг бундан кейинги ижодида ҳам адал тилаб, яратилган китоб билан яна бир бор қўтладар. Шунингдек, тадбирда қатнашаётган ёшлар ўзларини иқтирган саволларига адиблардан батафсил ва тўлиқ зоб олдилар.

Тақдимот фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди. Гулнеҳра ДУРДУВА

Тиббиёт

ГЕМАТОЛОГЛАР САФИ КЕНГАЙИМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗДА ҚОН ҚҲЙИШ ХИЗМАТИНИ ТУБДАН ҚАЙТА КЎРИШ ЙЎЛИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ДОНОРЛИКНИНГ ХАВФИСЗИЛИгини таъминлаш ҚАРАТИЛГАН ТИББИЙ ЖАРАЁНЛАР ҲАМ ЎЗИНИ ИЖОБИЙ НАТИЖАСИНИ БЕРАЙТИ.

Ўзбекистон Гематология ва қон қўйиш илмий-текшиш институтини н-гизида фаолият кўрсатаётган миллий қонақазидида ҳам самарали муолажаларга қўл урилди. Уни монавий аппаратлар билан жиҳозлаш учун қўшмача млиг ажратилди.

Илмий муассасада гемофилия маркази очилиши лан қон айланиш тизимини тақдиқ этиш учун кенг имконилар яратилди.

ЯНГИ ШИФОБАХШ АППАРАТЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНING ИССИҚЛИК ФИЗИКАСИ БЎЛИМИ ҲУЗУРИДА ТАШЛИ ТОПГАН «СУПРИМЕД» ХУСУСИЙ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОРХОНАСИ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙИБ ҚДИ.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган тиббий жиҳозлар ўзининг истикболли эканлиги билан ҳам ажралиб туради.

Қорхона томонидан физиотерапия, жаррохлик, тахис ва косметология йўналишлари учун махсус тайёрлангантехникалар сонини 20 дан ошиб кетди.

Шулардан бештаси давлат патент идорасида рўйатта олинди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиғи тавяси билан ўндан ортиқ ишланма амалиётга жорий этилдибундан ташқари лаборатория жиҳозларини ишлаб чиқаришга киришди.

НАМУНАЛИ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА

ҲОЗИР РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАРДАН БИР НЕЧТАСИ ИШЛАБ ТУРИБДИ. ЮНУСОБОД ТУМАНИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН 31-ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА ХИЗМАТИДАН ҲАМ МИЖОЗЛАР МАМНУН.

Малакали шифокор Манзура Қосимова ташаббуси лан очилган бу поликлиника ўзининг беш йиллик фасяти давомида кўллаб оила аъзолари дардидаги малаҳам бўлг энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган туфайли бу ерда мураккаб даволаш усуллари ҳам қўлғилмоқда.

Кейинги бир йил ичида шифокорлардан бир неча (фари врачлар малакасини ошириш институтида ўз билим ва тақрибасини ошириди.

Ақбар АЛЕВ



СУРАТДА: икки карра Олимпиада чемпиони, АҚШлик ўқурашчи Роберт Брюс Матиас ўзининг янги лангарига навбатдаги маррани забт этмокда.

Уруш олимпия ҳаракати учун ҳам оғир синов бўлди. ХОҚ президенти Анри де Байе-Латур фашистлар Германияси томонидан босиб олинган ҳудудда бўлганлиги сабабли унинг Халқаро Олимпия Кўмитаси бошқа аъзолари билан олоқаси узилиб қолди. Шунинг учун ХОҚ фаолиятини йўлга қўйиш ватани — Швеция бетараф бўлган Юханнес Зилфрид Эдстрем зиммасига тушди.

Ихтисослиги бўйича энергетик-муҳандис бўлган Эдстрем Швеция, АҚШ, Швейцариянинг йирик концернларида ишлаган, мамлакатда энг йириклардан ҳисобланган "ASSA" компаниясининг президенти эди. Айтиш пайтда у ёшлигида энгил атлетика билан шуғулланган, қисқа масофаларга югуришда Швеция рекордчиси ҳисобланарди.

Юханнес Эдстрем Халқаро ҳаваскор энгил атлетика федерацияси — ИААФни ташкил этиш ташаббускорларидан бири эди. У бу халқаро спорт федерациясининг биринчи президенти этиб сайланди ва 34 йил (1912-1946) давомидида унга раҳбарлик қилди.

Анри де Байе-Латур 1942 йилда вафот этганидан сўнг ХОҚ президентининг ўринбосари лавозимида бўлган Юханнес Эдстрем президент вазифасини бажара бошлади. 1946 йилда Халқаро Олимпия Кўмитасининг Швейцариянинг Лозанна шаҳрида бўлиб ўтган сессиясида Юханнес Эдстрем яқдиллик билан ХОҚнинг тўртинчи президенти этиб сайланди.

Халқаро Олимпия Кўмитаси 1944 йилда Лондонда ўн учинчи Олимпиада ўйинларини ўтказишни режалашган эди. Аммо уруш йилларида фашистлар Германияси томонидан Буюк Британия пойтахтига кучли бомба зарбалари берилган оқибатида шаҳарга жиддий талафот етказилган эди. Умуман олганда бу вақтда жуда қудратли ҳисобланган бу давлатнинг ҳам Олимпиадани ўтказишга қурб етмасди. Ҳатто 1948 йилда ҳам Британия ҳукуматининг XIV Олимпиада ўйинларини ўтказиш масъулиятини зиммасига олиши лондонликлар мубайян қисмининг норозиликлари сабаб бўлди.

Шунга қарамадан ўн икки йиллик мажбурий танаффусдан кейин 29 июлда очилиб 14 августга давом этган Олимпиадада 59 мамлакатнинг 4099 спортчиси, шу жумладан 385 аёл иштирок этди. Бирма, Британия Гвианеси, Венесуэла, Ироқ, Эрон, Ливан, Покистон, Пуэрто-Рико, Сингапур, Тринидад, Цейлон, Жанубий Корея миллий терма жамоалари спортчилари ҳам илк бор олимпиадачилар сафига қўшилдилар. Иккинчи жаҳон уруши айбдорлари ҳисобланган Германия ва Япония Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилиндилар.

Лондон Олимпиадаси мусобақалари дастурига эркалар ўртасида баскетбол, бокс, эркин ва юнон-рум кураши, велоспорт, сув полоси, гимнастика, академик ҳамда байдарка ва каноэда эшак эшиш, от спорти, энгил атлетика, елканли қайиқлар спорти, сузиш, сувга сакраш, замонавий бешкураш, ўқ отиш, оғир атлетика, қиличбозлик, чим устида хоккей, аёллар ўртасида эса гимнастика, байдаркада эшак эшиш, энгил атлетика, сузиш, сувга сакраш, қиличбозлик қўшилди. Лондон Олимпиадасида умуман 136 та медаллар жамланмаса учун кураш олиб борилди.

Уруш кўпгина кучли ва истеъдодли спортчилар ҳаётига зомин бўлган эди. Шунинг учун кўпчилик бу ўйинларнинг спорт натижалари юқори бўлишига умид қилмас эди. Лекин Буюк Британия пойтахти спорт майдонларида энгил атлетика, ўқ отиш

ва оғир атлетикада ўрнатилган тўртта жаҳон рекорди олимпиадачилар янги авлодининг салоҳиятини яққол намойиш этди.

Энгил атлетика мусобақаларида Америка Қўшма Штатлари спортчилари 24 олтин медалдан 11 тасини қўлга киритиб, яна маҳоратларини кўрсатдилар. Спорт ихлосмандлари учун бу мамлакатнинг 17 ёшли олимпиадачиси Роберт Матиаснинг ўн курашдаги галабаси қўтилмаган воқеа бўлди. У навқиронлиги, бундай нуфузли мусобақаларда илк бор қатнашганлигига қарамадан номдор рақиблари, энгил атлетиканинг бу турида фахрий шоҳсулага у билан бирга кўтарилган француз Игнас Андриш ва ватандоши Фройд Симмонсдан анча кўп — 7139 очко тўглаб, олтин медал соҳиби бўлди.

Роберт Матиас кейинги Хельсинки Олимпиадасида эса ўн курашда 7887 очко тўглаб, мисли қўрилмаган натижага эришди. Шунинг билан кифояки, бу Олимпиада чемпионининг натижаси ўн курашда ундан кейинги иккинчи ўринни эгаллаган рақибиникидан 900 (!) очко кўп эди. Роберт Матиас энгил атлетика тарихида биринчи бўлиб лангар билан сакрашда аънавий бамбуқ лангар ўрнига шиша толали синтетик лангардан фойдалана бошлади. Янги лангар энгил атлетиканинг бу турида ҳеч муболағасиз инқилоб ясаб, спортчилари натижаларининг кескин ошишига хизмат қилди.

Энгил атлетика беллашувларида америкаликларга Швеция спортчилари ҳам муносиб рақиб бўлдилар. Уларнинг Лондон Олимпиадасида қўлга киритган олтин медал билан бунинг исботидир.

Бироқ улар ҳам, АҚШликлар ҳам эмас, балки голландиялик Фанни Бланкерс-Кун ўн тўртинчи Олимпиада ўйинларининг энг яхши спортчиси, деб топилди. У аёллар ўртасида 100,200 метрга ҳамда 80 метрга тўсиклар ора югуришда ва 4x100 метрга эстафетада тўртта олтин медални қўлга киритди. Эътиборлиси шундаки, Фанни 18 ёшлигида 1936 йилги Берлин Олимпиадасида иштирок этган эди. Лондонда у ўттиз ёшга тўлганлиги, икки фарзандли эканлигига қарамадан рақибларини ҳам, спорт мухлисларини ҳам лол қолдирди. Бланкерс-Кун Олимпиададан кейин ватанига қайтганида голландияликлар тўрт карра чемпионни миллий қаҳрамон сифатида қутиб олдилар. Амстердам бўйлаб оқ от қўшилган, гуллар билан безалган фойтонда бораётган Фаннини қутлаш учун бутун шаҳар аҳолиси кўчаларга чиқди. Кейинчалик унга юртида ҳайкал ҳам ўрнатилди.

Иккитдорли инсон санъатида ҳам, спортда ҳам юксак чўққиларни забт этишга қодирлигини Франциялик Мишлин Остермайер намойиш этди. Париж консерваториясининг биринчи муқофоти лауреати бўлган бу гоят истеъдодли пианиночи Лондонда аёллар ўртасида диск ва ядро улоқтиришда олтин, баландликка сакрашда эса бронза медалларига сазовор бўлди.

Оғир атлетика мусобақаларида 30 та давлатдан 118 спортчи иштирок этган бўлсада олтин медалларни Америка Қўшма Штатлари ва Миср спортчилари бўлишиб олдилар. Олий нишонларнинг тўрттаси америкаликларга, иккитаси Нил соҳили мамлакатига оғир атлетикачиларига насиб этди.

Эркин курашда эса бу ўйинларда турк полвонлари билан баб-баравар беллашадиганлар озчилик экан. Улар

барча олтин медалларнинг тенг ярмиси — 8 тадан 4 тасини қўлга киритдилар. Юнон-рум курашида Швеция спортчилари бундан ҳам юқори натижага эришдилар: саккизта олтин медалнинг бештаси уларга тегишди.

Машҳур венгер боксчиси Ласло Паппнинг рингдаги зафарлари ҳам "туманли Альбион"да бошланган. У Лондондаги биринчи галабасини 1952 ва 1956 йиллардаги Олимпиада ўйинларида давом эттирди. Олимпиадалар бутун тарихида бирорта ҳам боксчи венгер "чарм қўлқон" устасидек учта олтин медали билан гурурлана олмади. Ласло Папп шундан сўнг профессионал рингда ҳам энгилмас боксчи эканлигини ишонarli исботлаб келди. У 1966 йилда — қирқ ёшлигида профессионаллар ўртасида Европа чемпионатида сўнгги олтин медалини олган.

Яна бир венгер спортчиси Карой Токача матонати билан машҳур бўлди. У пистолетдан ўқ отишда моҳир мерган сифатида танилган пайтида бахтсиз ҳодиса туфайли ўнг қўлидан ажралди. Аммо Токача тушқунликка тушмасдан сабот билан спорт билан шуғулланишни давом эттириб, уч йилдан кейин жаҳон чемпи-

Олимпиада: биринчидан илгирма тўққизинчигача

11. ЎН ИККИ ЙИЛДАН СЎНГ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ОҚИБАТИДА 1940 ВА 1944 ЙИЛЛАРДА ЎТКАЗИЛИШИ МЎЛЖАЛЛАНГАН XII ВА XIII ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ БАРБОД БЎЛДИ.

они унвонини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Лондон Олимпиадасида эса у чемпионлики жаҳон рекорди ўрнатиш билан беэди.

Ласло Папп ва Карой Токача ватандошлари бўлган беш қиличбоз эса Берлин Олимпиадасидан ўн икки йилдан сўнг ҳам яна ўйинлар шоҳсуларидан ўрин олганликлари билан шўҳратга бурқандилар. Улар орасида Илона Элек айниқса таҳсинга сазовордир. У Германия пойтахтидаги галабасини Лондонда ҳам такрорлаб, икки карра Олимпиада чемпиони шарафли номига эга бўлди.

Айниқса швед Герт Фредрикссоннинг спортдаги умрбоқилиги ва энгилмаслигига ҳайратланмаслигининг иложи йўқ. У Лондон Олимпиадасида 1000 ва 10000 метрга байдаркада эшак эшишда чемпионлики қўлга киритди. Герт Фредрикссонга XVI ва XVII Олимпиада ўйинларида ҳам тенг келадиганлар топилмади. Яъни у олти карра Олимпиада чемпиони эди! Бундан ташқари спортчи ўйинларда яна битта қумуш ва битта бронза медаллари билан тақдирланган.

Футбол бўйича олимпия турнирида омад Швеция терма жамоасига қулиб боқди. Бу мамлакат олимпиадачилари навбат билан Австрия (3:0), Жанубий Корея (12:0), Дания (4:2) футболчиларини мағлубиятга учратдилар. Финалда эса улар югославлар билан куч синаядилар. Швед ҳужумчилари - Греннинг рақиблар дарвозасига киритган иккита ва Гуннар Нордальнинг битта тўпи жамоанинг 3:1 ҳисобидаги галабасини таъминлади. Бронза медаллари Дания футболчиларига тегишди.

Норасмий умумжамоа ҳисобида бу сафар ҳам АҚШ олимпиадачилари биринчиликини ҳеч кимга бермадилар.

V Қишки Олимпиада ўйинлари (уларнинг учинчи ва тўртинчиси ҳам уруш сабабли ўтказилмади) иккинчи маротаба Швейцариянинг Санкт-Мориц шаҳарчасида 1948 йил 30 январь-8 февралда бўлиб ўтди. ХОҚ биринчи марта Қишки Олимпиадани Ўзбекистоннинг мезбони бўлмаган давлатга ўтказишга қарор қилганлигини эслатиш лозим. Умуман Санкт-Мориц Швейцарияни иккинчи жаҳон уруши четлаб ўтганлиги сабабли танланган эди.

Бу галги Қишки Олимпиадада 28 мамлакатдан 713 спортчи, шу жумладан 77 аёл қатнашди. Улар қишки беш спорт турида 22 та медаллар жамланмаса учун кураш олиб бордилар.

Чанғида 18 ва 50 километрга югуришда ҳамда 4x10 километрга эстафетада швед спортчилари рақибла-



СУРАТДА: бешинчи Қишки Олимпиада ўйинлари плакати.

рига бирор имконият қолдирмадилар. Норвегия олимпиадачилари эса 500,1000 ва 5000 метрга конькида югуришда шоҳсупанинг энг тўрига кўтарилдилар. Бу мамлакатнинг чанғида трамплиндан сакраш мусобақаларида иштирок этган спортчилари нафақат олтин, шунингдек қумуш ва бронза медалларини ҳам ҳеч ким билан баҳам қўрмадилар.

Фигурли учишда америкалик Дик Баттон ўзининг муз устидаги бетакрор сакрашлари билан биргина тамошабинлар эмас, ҳакамларни ҳам лол қолдирди.

Шайбали хоккей бўйича олимпия турнири финалида Канада ва Чехословакия терма жамоалари учрашдилар. Аввалги Олимпиадаларда улар ўртасидаги ўйинларда ҳам шайбалар нисбати 52:0 ҳисобида канадаликлар фойдасига тугаган эди. Санкт-Морицда эса 0:0 ҳисоби қайд қилиниб, фақат шайбалар нисбатига кўра Канада хоккейчилари чемпион, деб эълон қилиндилар.

Бешинчи Қишки Олимпиада ўйинларида норасмий умумжамоа ҳисобида Швеция спортчилари 70 очко ва 10 (4 та олтин, 3 тадан қумуш ва бронза) медал билан биринчи ўринга кўтарилдилар. Швейцария олимпиадачилари иккинчи, америкаликлар эса учинчи ўринларда қолдилар.

Иккинчи жаҳон уруши сабабли Олимпиада ўйинлари ўтказилмагани ҳолда ўлкамизда оммавий спорт мусобақалари ташкиллаштирилганлиги эътиборга молиқдир. Чунинчи тўққиз йиллик танаффусдан сўнг 1943 йилда Олмаотда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг иккинчи спартакиадаси бўлиб ўтди. Келгуси йил эса ўлканинг энг яхши спортчиларини Тошкент кутиб олди.

Урушдан сўнг — 1945 йил 30 сентябрдан 4 октябргача тўртинчи Бутунўзбек спартакиадаси бўлиб ўтди. Унинг тантанали очилишида 5000 спортчининг иштирок этганлиги ушбу оммавий мусобақаларнинг кўламинан далолат беради. Шундан бир неча кун кейин — 7 октябрда ҳозирги Бишкек шаҳрида бошланган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг тўртинчи спартакиадасида Ўзбекистон спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Ўн тўртинчи Олимпиада ўйинлари йилида бешинчи Бутунўзбек спартакиадаси, 10-15 октябрда эса Душанбеда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг бешинчи спартакиадаси бўлиб ўтди. Ана шу оммавий спорт мусобақалари ғолиблари орасида ўқ отиш бўйича Ўзбекистоннинг мутлақ чемпиони И. Циганский, қиличбозлардан Варвинский, Балаев, Солдатов, теннисчилардан Е. Шкондина, А. Потникова, А. Козлова, сузувчилардан А. Герасимов, сувга сакрашда М. Пуйто, Д. Дукельский ҳамда собик иттифок терма жамоалари таркибидан ўрин олган бошқа кучли спортчилар бор эди.

Ўзбекистон ўз бокс мактаби билан машҳур эди. Бу мактабга асос солганлардан бири Сидней Львович Жаксон ҳисобланарди. У Тошкентда дастлабки бокс тўғараклари очган, узоқ йиллар давомидида касба уюшмалари, талаба ёшларнинг кўнгилли спорт жамиятларида бокс бўйича бош мураббий эди. С.Л. Жаксоннинг шогирдлари ўзбек бокс мактабининг ёрқин намояндалари эдилар. Улардан спорт устаси Михаил Меш собик Иттифок биринчиликларининг совриндори ҳисобланарди. Михаил Франк ҳам рингда машҳур галабалари билан ном чиқарганди. Бокс бўйича республика терма жамоасининг собик Иттифок биринчилигида фахрий олтинчи ўринни эгаллаши катта шов-шувларга сабаб бўлган.

Эркин ЭРНАЗАРОВ

СИРИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Мевалар, асосан қовуннинг таъм ва ҳид хусусиятларини қандай қилиб яхшилаш мумкин? Исроил Қишлоқ ҳўжалик академияси олимлари ҳозирги пайтда шу ҳақда бош қотиришмоқда. Улар келажақда қовунга аввалги ҳидини қайтаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган. Бу йўналишда дастлабки тажрибалар манго устида ўтказилди. Шундай қилиб агроном олимлар гуруҳи сабзавот ва мевалар таъм хусусиятларини яхшилашга қаратилган янги услубиятни ишлаб чиқилди. Натижада кимё таркибидан келиб чиқиб, турли меваларни танлаш имкони тўғилиди. Селекционер олимлар исталган таъм ва ҳидга кўра ўсимликларни қатиштириб кимё таркибини танлаш имконига эга бўлади. Синовлар қовун навларида ўтказилди. «Неве»-Ғар-даги академик тадқиқот маркази ҳузуридаги ўткир ҳидли ва хуш таъмли ўсимликлар бўлими раҳбари профессор Ури Давид шу ҳақда хикоя қилади. «Қовун таъм ва ҳид хусусиятларини янгилашнинг биз яратган услубига кўра, қовун ҳид компонентлари бевоқифа аппаратга жойлаштирилади. У этилиб пишган ва мазали мевалар таъм ва хусусиятларини кимё воситаларига ажратадиган махсус полимердан фойдаланган ҳолда кимёвий таркибини аниқлайди». Шу тариқа бир ёки бир неча меванинг ўзига хос хусусиятларини ажратиш ва уларни қўшиб янги, мукаммал қовун навини олиш имкони тўғилиди. Бу тадқиқот Исроил Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги бош илмий мутахассис назорати остида ўтди.

● Гиннеснинг рекордлар китобида «Энг қimmatбах оёқлар» бўлими бўлиганида эҳтимол Бразилиянинг 36 ёшли балеринаси Ана Бота Фогунининг номи машҳур нагрдан ўрин олиши учун даъвогар бўлиши мумкин эди. Гап шундаки, яқинда «Вежа» журналининг хабар қилишича, Бразилиядаги энг машҳур балеринага суғурта ҳужжати берилди. Ҳужжат санъаткорнинг оёқлари ва товонлари 10 миллион круэйру (қарийб 24 минг доллар)га суғурта қилинганидан далолат беради. Санъаткор бахтсиз ҳодиса туфайли ҳасталаниши ёки оёғи лат ёйиши натижасида саҳнага чиқа олмаси, унга ана шу пул тўланади. Анна Ботафогунинг эътироф қилишича, у ўзи билан шундай шартнома тузишга тайёр бўлган суғурта компаниясини узоқ вақтдан бери тополмай келаётган эди. Яқиндагина ўзининг юз йиллигини нишонлаган энг кўна Бразилия фирмаларидан бири шундай битимга розилик билдирди. Суғурта муддати ҳозирча бир йил билан чекланган. Суғурта агентлари унинг оёқлари, қўллари, бошининг қийматини бир долларгача аниқлик билан белгилаб бердилар.

● Америка наشريётларидан бири ҳушбўй китоблар чиқара бошлади. Улар таратаётган бўй нашр мазмунига мос келади. Масалан, денгизлар ҳақидаги китобдан туз ва сув ўт ари хиди келса, гулларга оид нашрлардан ясинов ва сирен бўй таратади. Қадимий янги йил айёв 1 ҳақидаги эртақлардан игна баргли дарахт 13 долчин хиди анқийди. Бу босма бўёкларига ҳушбўй моддаларни қўйиш билан амалга оширилиб, ҳидлари ҳеч йўқолмайди. Китобхонларга, айниқса болаларга бундай нашрлар жуда маъқул келиши ўз-ўзидан аён.

● Варрак самолёт ёки вертолёт ўрнини боса оладими? Бир қарашда бу савол эриш туюлади. Лекин самолётдан суратга олиш тўғрисида гап борганда бу тушунарли бўлади, қолади. Гап шундаки, баъзи ихтирочиларнинг тасдиқлашича, омончу фалакдан суратга олишда варракдан фойдаланиш фақат иқтисодий жиҳатдан самарали бўлибгина қолмай, балки анча қулайлиги ҳам бор экан. Тажриба учун ингичка алюминий най ва полимер фольга, яъни ниҳоятда юпқа зар қоғоздан варрак ясалди. Унинг ўртасига маълум масофадан радио ёрдамда бошқариладиган фотокамера ўрнатилди. Варракка пишиқ аркон боғлаб учурилди. У 12 сонияда тахминан 60 метрча баландга бемалол кўтарилди. Бундай варракнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда самолёт ёки вертолётдагидек тебраниш, титраш рўй бермайди. Шу сабабдан олинган сурат анча сифатли чиқади.

● Америкалик ҳайкалтарош Петрик Бремер ёғочдан бир неча юз баробар катталаштирилган турли ҳашаротларни ўяди. Унинг ўймаларидан улкан ўргимчаклар, ниначилар, чаёнлар, қирқ оёқлар ва шунга ўхшаш нарсалар ҳосил бўлади. Ноёб ёғочдан фойдалангани учун у ясаган шақларга ўзига хос табиийлик ҳамда эластиклик бахш эта олади. Бремер яқинда ўзининг «ҳашарот»ларини Мексика шаҳарларидан бирида кўргазма қилиш учун олиб келди. Ҳайкалчаларни кўргазма зали эшиги тагига тушираётганда кучли шамол кўтарилди. Натижада қирқ оёқ, чигиртка ва ўргимчак бўрон билан осмонга кўтарилди. Улар шаҳар қўчаларидан унча баланд бўлмаган юқориликда «учишди». Уларнинг кўриниши шу даражада ғайриоддий эдики, одамлар ваҳимага тушиб, ўзга сайёраликлар учиб келишарди, деб ўйлашди. Полиция ва телевидение жуда қийинчиликлар билан одамларни тинчлатирди. Кўргазма очилгандан сўнг эса шаҳарликларнинг барчаси келиб томоша қилишди. Натижада келтирилган даромад ҳайкалчалар муаллифини ҳам, маҳаллий ҳокимиятни ҳам хурсанд этди.

● Швейцариянинг Деникон шаҳар ҳокимияти биноси олдида байроқ ўрнатиладиган учта баланд ёғоч қад кўтариб турибди. Агар ўнгдаги байроқ кўтарилса, шаҳарда ўғил бола дунёга келганлигидан дарак беради. Ўртадаги байроқнинг кўтарилиши билан шаҳар аҳолиси бир қизалоққа кўпайганлигидан хабар топади. Чап томондаги байроқ эса бирмунча кам кўтарилади. Чунки унинг вазифаси эгизаклар тўғилганидан огоҳ қилиш. Лайлак рамзи туширилган бу хабарчилар янги тўғилган чақалоқларни уч кун шарафлаб, ҳилпираб туради.

● Биласизми, Англияда улкан чинни чойнак бор. Унинг бўйи 3,3 метр бўлиб, ичининг кенглиги 5,4 метр дур. Бу чойнак ёлғиз бўлмай, унинг улкан тарелкаси ва дастали пиёласи ҳам бор. Англиялик ҳамкасблардан қолишмаймиз деб самарқандлик чиннисозлар ҳам катта чойнак ишлаб чиқаришга уриниб қўришган. Бир неча дона ва турли нусхада бўлган бу чойнакнинг бўйи 30 сантиметр, эни 35 сантиметр. Ичига беш литр сув кетади.

Оз-оз ўрганиб домо бўлиб...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хус Ҳожиб
ҲИКМАТЛАР

Одамларга ҳоҷатманд бўл.

Кўлинг қисқа бўлиб қолса, яқинларинг ёрдам қўлини чўзмайдилар, ганимларинг эса устингдан кулиб чарчамайдилар.

Яқинларинг қадрингни билмаса, кўнглинг оғрийди.

Афсус чекмай десанг, вақтингни беҳуда ўтказма.

Нафсинг орзу-истакларини амалга оширма, айтганига эришса, у сени оёқ ости қилади. Нафсга яхшилик қилсанг, у сенга ёмонлик қилади. Агарда ёмонлик қилсанг-чи? У сенга бўйинни эгади.

Фақат бир тўйимли овқат, ичимлик учун Сен зўр билан ўзингни бекадр қилма.

Нафсга туткун бўлсанг, ундан қутилиш чораси қийин бўлади.

Ўз қаршингда нима бўлса, шуни олиб е, биронинг олдидаги таомга қўл чўзма.

Дастурхон устидаги овқатни олдингга торتما.

Ҳамма нарсанинг қондаси, тартиби, таълими бор.

Тартибни тўғри тутса, кишининг юзи ёруғ бўлади.

Инсонни ҳайвондан шу нарса фарқлайдики, у мижозга яраша еса, эй ўғил.

Одам шунча меҳнат ва машаққатлар билан мол-дунё йиғиб, ўзи абадий қолмайдиган бўлса, мол-дунё йиғишининг нима кераги бор?

Улуғликка етганинга юрак ўтинг сўнади.

Киши қариганида беҳуда йўлга кириб, ёшларнинг қиладиган ишини қилса, қанчалик номаъқул бўлади-я.

Бу дунёнинг мол-бисотлари тириклик учундир, тириклик тугаса, мол-дунё ташвишлари ҳам тугайди.

Бунчалик ўзни ўтга, сувга урмоқликнинг босиси икки талақдир: бири - мол-дунё билан буюклашмоғинг бўлса, иккинчиси - элда ҳукминг раво бўлишидир. Бу иккисига эришсанг-у ўлим бўлмасдан, мангу қоладиган бўлсанг, бу албатта жуда яхши бўлар эди. Бу икки ҳаловатни ўлим юлқиб оладиган бўлгандан кейин, бундай дунёнинг нима кераги бор?

Улғайгани сайин ёмонлигини кўйиб, тобора яхши бўла борса, ўша одам одамларнинг бахтлиси бўлади.

Қариганда ҳам орзу-ҳавас кетидан қувадиган одам, шубҳасиз, одамларнинг бадбахтидир.

Одамни қул қилувчи нарса суқликдир.

Бугун орзу-ҳавасларни тарк этмас экансан, келгусида эзгуликка эриша олмайсан.

Модомики, бу дунё сени қўймас экан, сен бу дунёни қўй, модомики, у сенга тўймас экан, сен ундан олдинроқ тўй. (Чунки) сен уни қўймасанг ҳам, у сени албатта қўяди, сен унга тўймасанг ҳам, у сенга албатта тўяди.

Хизмат қилувчининг қисмати икки нарсадан бошқача бўлмайди: ё хизмати манзур бўлиб, улуғликка эришса ёки хизмати манзур бўлмасдан сарф этган вақт-фурсатлари бекорга кетади.

Бу дунё шамол ва бўрон кабидир.


Лаззатлар кетидан қувма, бунинг охири-азоб.

У дунёдаги ўрнинг учун бу дунёдаги ўрнинг бадалдир.

Орзу-ҳавас бўйинни эзиб синдирмагунча тану жон тўғрилиқ йўлига кира олмайди.

Одам саломат бўлса-ю, умрини беҳуда ўтказса, бундай тириклик разолатдир.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



Ўқув масканларида

КОЛЛЕЖДА ТАЛАБАЛИККА БАҒИШЛОВ ТАДБИРИ

ШАҲРИМИЗДАГИ РАДИОТЕХНИКА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИДА ЁШЛАР ҲАЁТИДАГИ УНУТИЛМАС КҮН — БИРИНЧИ БОСҚИЧ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ТАЛАБАЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.


Тадбирда шунингдек, «Отчопар» ва «Октепа» маҳаллалари фаоллари, «Қамолот» ЁИХ Юнусобод туман бўлими вакиллари, коллеж ота-оналар кўмитаси аъзолари ҳам иштирок эттишти.

Талабаликка бағишлов кечасини очар экан, ўқув муассасаси директори О.Тўхлибоев коллеж жамоаси номидан барча биринчи bosqich ўқувчиларини кутлаб, келгусидаги ўқиш ва ишларида омадлар тилади. Сўнг ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан фаол ва намунали мураббий М.Қосимова Тошкент шаҳар Урта махсус касб-хунари таълими бошқармаси томонидан тақдирланди. Қолган барча мураббийлар ҳам моддий рағбатлантирилди.

Тадбир 3- bosqich талабалари томонидан 1- bosqich ўқувчиларига рейтинг дафтarchаси ва коллежнинг «олтин қалити»ни топшириш билан бошланди. Кеча давомида талабалар турли шўх қўшиқ ва куйлар, рақслар, қизиқарли сахна кўринишлари, ҳазил-мўтойбаларни ижро этишди, устоз-мураббийларни табриклашди.

(Ўз мухбиримиз)

Суратларда: талабаликка бағишлов тадбиридан лавҳалар. Қозим Ўлмасов олган суратлар.



ҲУКМ ЎҚИЛДИ

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

ЁХУД ОНА-БОЛАЛАРНИНГ ГУНОҲИ НИМА?

Дейдиларки, инсоннинг номаи аъмолида қанча умр кўриши битилган, унинг бу ёруғ оламни мангуга ташлаб кетиши фақат Яратгanning инояти, хоҳиши билангина рўёбга чиқади.

Шундайку-я, бироқ нопок инсон бу ишга «бел боғлаб» кимнингдир умрига қасди жон қилса-чи?! Яна бир ачинарли томони ўша ўлимга маҳкум этилган одам жаллода ёрдам қўлини чўзган, ўзининг ҳамёнидан мўмайгина маблағ берган бўлса-чи?!

Келинг, саволларга жавоб излашни кейинга қолдириб, воқеалар баёнига ўтаск.

...Дилмурод Раҳмонов (исми-шарифи ўзгартирилди) тинчгина тирикчилигини қилиб юрарди. Табиатан тап тортомаслар хилидан бўлмаган бу йиғича «Матиз» автомобиллини ижарага олиб, Абдулҳаким Содиқов (исми-шарифи ўзгартирилди)га қарашли масъулияти чекланган жамиятига озиқ-овқат маҳсулотларини ташиб бериш билан шуғулланар, бўш вақтларида кирақашлик қилиб, мўжазгина оиласини тебратарди.

Шундай қунарларнинг бирида А.Содиқов унга Ўзбекистон ва Қозғистон Республикалари билан чегарадош Черняев мавзесига олиб бориб келишни илтимос қилади.

Машинада кетишаркан Дилмурод қадрдонига «ёрилиш»дан ўзга чора топпади.

—Ака, ҳали хабарингиз борми-йўқми...—дейди у гапни узокдан бошлаб.

А.Содиқов гунашасининг эзма гапларидан энсаси қотганиданми ё, вақт тизигилигиданми дангал гапирди:

—Эзмаланмади, аниқ гапир! Нима бўлди? Бирон жойни сув босдимми, ўт олдимми?

—Йўғ-э, Худо асрасин унақалардан... Шу десангиз яқинда машинани тўқнаштириб қўйдим.

—Тўқнаштириб қўйдим?

—Ҳа, сал бепарволик қилиб, «Тико» билан тўқнашиб кетдим. Ана, кўринг, олд ёритгичнинг иккови ҳам синиб ётибди.

—Хўш? Хўш?

—«Тико»нинг ҳайдовчиси «шантажчи» экан, ака! Бўйинимга 800.000 сўмини осди. Агар айтилган муддатда пулни олиб бормасам, бир балони бошлаб қолмас, деб қўрқаман...

Валиеъматнинг боши қотди. Агар Д.Раҳмоновнинг зир-қиллаб турган ярасига даво топмаса иш баттар чигаллашиб кетади. Боз устига ўзига қарашли масъулияти чекланган жамият фаолиятига ҳам жиддий путур етади. Ахир Дилмурод унинг оёқ-қўли-ку?!

Иш судга ошиб, қамалиб-нетиб



—Нега уйга берилган масалани ечмасдан келдинг Аҳмаджон?

—Дадам тўсатдан командировкага кетиб қолдилар-да!

Абдурашул Ҳакимов чизган сурат.

қолса, шунча ишни ким эплайди?

—Яхши, шундай қиламиз,—деди у бироздан кейин,—сен хавотир олма! Ҳаммаси яхши бўлади. Бошимга бир фикр келди. Бу ҳақда кейин гаплашамиз...

Д.Раҳмонов «хўжайин»нинг олғирлигига, чапдастлигига, борингки, ҳар қандай тегиримондан бус-бутун чиқишига қаттиқ ишонарди. Эҳ-хе, у кимларни қон қакшатмади, кимларни дарёнинг бўйига олиб борди-ю, сугормай олиб келмади, дейсиз...

...Қоп-қора тун. Бундай пайтда ҳар қандай одамнинг эти жунжикиши, қўрқув, хавотир хисси бутун жисми-жонини чулғаб олиши мумкин. Бироқ А.Содиқов ва Д.Раҳмоновгина бундан мустасно. Негаки, улар одам ўлдиришни режалаштиришган!

Ўшиқ кўнгириги бемаҳалда чалинганида Рохатой Алибоева негадир ажабсинмади. Ахир унинг турмуш ўртоғи мана уч ойдики Россия Федерациясида—хизмат сафарида юрибди. Бехосдан келиб қолиши ҳам мумкин.

—Ким?

—Бизлар...

У эшикни очиши билан «меҳмон»ларнинг таниш қиёфасига қўйи тушди.

—Келинглар,—деди у бироз ҳаяжонлиб.

Шу ўринда Р.Алибоева ҳақида икки оғиз сўз. У А.Содиқовни уч-тўрт йилдан бери яхши биларди. Аниқроғи, А.Содиқов Р.Алибоевнинг опаси билан бирга дорихонада ишлаган кезларидан бери таниш эди. Шунчаки муносабатлар кейинчалик «ка-сингил»-лика айланди. А.Алибоевнинг оққўнгиллиги, ширинсуханлигидан «самарали» фойдаланган А.Содиқов ундан арзимас пулларни қарзга сўрайди, лекин белгиланган муддатда қарзларини тўлаб туради. Мижозининг ишончига кириб олгач эса АҚШ долларида қарз сўрайди. Р.Алибоева унга дастлаб 300, кейинроқ 700 миқдорида, жами 1000 АҚШ доллари қарз беради.

Р.Алибоева белгиланган муддатда пулларни қайтариб бермаган А.Содиқовга бир неча мартаба мурожаат қилди. Бироқ натижа бўлмади. А.Содиқов уни турли йўللар билан алдаб, чалғитиб юраверди.

Рохатой «меҳмон»ларнинг олдида чой-нон қўйгач: «Хўш, хизмат!» дегандай тикилади. А.Содиқов ўзининг «ер тағида илон қимирласа биладиган» зуқко ақли билан буни фахмлайди-ю, муддаога ўтиб қўя қолади:

—Рохатой опа, менинг сиздан 1000 доллар қарзим бор-а?

—Ҳа, пулни олиб келдингизми?

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 9 ноябрь куни соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очқ аукцион савдоларига қўйидаги автотransпорт воситалари қўйлади. Тошкент шаҳар Юнусобод туман суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 16 августдаги 12157-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Қамат-Центр» Қ сақланаётган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган ва кузов рақами КНАС2223ТА2112596 бўлга, «КИА-КРЕДОС-2.0 АТ» русумли автотransпорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2.000.000 сў.

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида жой-га чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида зақалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотransпорт» филиалининг «Альянс» минибанкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р. 20208000804234776001

тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб оlish учун ариза топширишлари шарт. Савдода иш-роқ этиш учун топшириладиган аризаларни а зақалат пулларни қабул қилиш, савдодан бир н олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қи-идаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Хўжв кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93. Лицензия DB001-000010.

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2049 нусxada босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйич турар жойлардаги почта бўлиmlарига еки
«Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонга
муружаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишомининг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбعا оқидорлик компанияси
босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4-й.

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 16.10



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 906

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563